

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O'ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI
XO'JAND DAVLAT UNIVERSITETI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
DAVLAT ADABIYOT MUZEYI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
QO'QON UNIVERSITETI

FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI

*professor Ergash Ochilov tavalludining 60 yilligiga
bag'ishlangan respublika ilmiy-nazariy
konferensiyasi materiallari*

**“TAFAKKUR” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2025**

KBK: 83.3(50‘)

UO‘K: 821.512.133.09-1

O-95

Ochilov, E. Filologiyaning dolzarb masalalari. [matn] : Ilmiy-nazariy konferensiya materiallari to‘plami. – Toshkent: “Tafakkur” nashriyoti, 2025. – 656 b.

ISBN: 978-9910-8294-7-5

Taniqli adabiyotshunos va tarjimon, filologiya fanlari nomzodi, professor Ergash Ochilov tavalludining 60 yilligiga bag‘ishlangan ushbu “Filologiyaning dolzarb masalalari” mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy anjumani to‘plami mamlakatimiz va xorijiy davlatlarning yetakchi olimlari hamda yosh tadqiqotchilarning o‘zbek mumtoz va zamonaviy adabiyoti, adabiyot nazariyasi va adabiy aloqalar, xalq og‘zaki ijodi va yozma adabiyot munosabati, badiiy tarjima va o‘zaro ta’sir masalalari, tilshunoslik va sharqshunoslikning muhim muammolariga oid, shuningdek, olimning hayoti va faoliyati yoritilgan maqolalarni o‘z ichiga oladi.

Tahrir hay’ati:

Nizomiddin Mahmudov, Gulchehra Rixsiev, Maqsud Asadov, Boqijon To‘xlijev, Sultonmurod Olim, Almaz Ulviy, Shomirza Turdimov, Jabbor Eshonqul, Sayfiddin Rafiddinov, Durdona Xudoyberganova, Baxtiyor Fayzulloev, Ulug‘bek Hamdam, Qudrat Omonov, Zebo Qobilova, Xayrulla Hamidov, Dilshod Rajabov, Munisjon Hakimov

To‘plab nashrga tayyorlovchilar:

Munisjon Hakimov, Dilmurod Asqarov

Taqrizchilar:

Rahmatulla Barakaev, Olim Oltinbek,
Marhabo Qo‘chqorova, Yorqinjon Odilov

ISBN: 978-9910-8294-7-5

© Ergash Ochilov, 2025 y.

© “Tafakkur”, 2025 y.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Каримов Н. Абдулхамид Чўлпон. – Т.: Фан, 1991.
2. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т., Ёзувчи, 1994.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: Маънавият, 2003.
5. Шарафиддинов О. Чўлпон – таржимон // “Тулистон” жур., 1990 й., 2-сон.
6. Мирзаева З. Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили // Шарқ юлдузи, 2010 йил 1-сон.
7. Қуროнов Д. Чўлпон публицистикаси ва таржимонлик фаолиятига доир янги аниқланган манбалар хусусида // Илмий хабарнома. 2022 йил, 7-сон.

Хайрулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат шарқшунослик университети,
Азиза МАВЛОНОВА, *ТДШУ магистранти,*

ПРЕМЧАНДНИНГ “ҚИСМАТ” РОМАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Аннотация. Атоқли ҳинд адиби Премчанд қаламига мансуб “Қисмат” романининг ўзбекча таржимаси таҳлилга тортилган мақолада жаҳон адабиётининг мумтоз намунасига айланган асарни ўзбекчага ағдарган таниқли таржимон Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг таржимонлик маҳорати, ижодкорнинг бадиий таржима жараёнида аслият услубини сақлаш, сўз ва иборалар танлаш маҳорати хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Премчанд, аслият, бадиий таржима, услубни сақлаш, таржимон маҳорати.

Жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаси, ҳиндий ва урду тилларида 12 та роман ва қисса, 250 дан ошиқ ажойиб ҳикоялар, жумладан дунё адабиёти хазинасини “Нирмала” ва

“Қисмат” каби романлари билан бойитган адиб Премчанд¹ [Дханпат Рой Шривастав – (1880-1936)]ни ўзбек китобхоналари атоқли романавис адиб, кўплаб пьесалар, киносценарийлар муаллифи ва таниқли публицист сифатида яхши танийди. Премчанд ўз халқини рус адаби Лев Толстой асарлари билан таништирган моҳир таржимон ҳамдир. У машҳур рус адабининг йигирмадан ошиқ ҳикоясини ҳинд ва урду тилларига таржимиа қилиб нашр эттирган.

Ўзига хос услуби, асарларидаги бетакрор қамровли мавзу ва долзарб муаммолар, қишлоқ ва шаҳар ҳаётини реалистик бўёқларда катта маҳорат билан бадий талқин воситасида тасвирлаган ҳинд адабининг кўплаб асарлари она тилимизга юксак бадий маҳорат билан таржима қилинган ва китобхонларимиз орасида яхши маълум.

Ушбу мақолада адиб асарларини бадий хусусиятлари ёки бошқа жиҳатларини адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилмаймиз, аксинча Премчанд ижодининг чўққиси ҳисобланган машҳур асар – “Қисмат” (Godaan – 1936 йил) [1] романининг урду тилидан она тилимизга таржимаси [2] ва ушбу романни таржима қилиб ўзбек китобхоналарига армуғон этган бадий сўз устаси, ўзбек халқини ҳинд адабиёти, шеърояти билан ошно қилишда самарали хизмат кўрсатган моҳир таржимон, ҳиндий ва урду тилларини мукамал билувчи тажрибали муаллим, ушбу тилларнинг грамматик тузилиши бўйича кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзган муаллиф, уста муҳаррир Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг бадий маҳорати, унинг муаллифи услубини қай даражада сақлаганлиги устида тўхталамиз.

Дарҳақиқат, Р.Муҳаммаджонов машҳур ҳинд адаби Премчанд қаламига мансуб “Қисмат” романи, Нанак Сингхнинг “Олтин ўқ”, Кришан Чандр, Ҳожа Аҳмад Аббос ва бир қатор адибларнинг ҳикояларини ўзбек тилига ўгирган. Ҳиндистоннинг машҳур мумтоз шоири Мирзо Ғолибнинг ғазал

¹ Баъзи русча манбаларда Прем Чанд деб ҳам ёзилган.

ва қитъаларини ўзбек тилига таржима қилиб, 1965 йилда “Шайдо” номи билан, 1975 йилда эса “Ғазаллар” номи остида нашр эттирган. Шунингдек, узтоз-таржимон 1964 йилда Шароф Рашидовнинг машҳур “Кашмир қўшиғи” достонини “Нағмае Кашмир” номи билан урду тилига таржима қилган. Шу билан бир қаторда моҳир таржимон А.Беляевнинг “Одам амфибия”, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари, ўзбек ва қозоқ халқ эртакларини, ўзбек мумтоз шеърляти, Алишер Навоийнинг (“Ўлмасун”, “Қоши ёсинму дейин” ва бошқа) сара ғазалларини урду тилига таржима қилган.

Раҳмонберди Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда урду тили ривожига йўлида қилган хизматлари учун вафотидан сўнг 1995 йил Покистон ҳукумати томонидан “Шарафли меҳнатига учун” нишони билан муносиб тақдирланган.

Бадий асарнинг сарлавҳасида унинг мазмуни, муаллиф ғояси яширинган бўлади. Муаллиф асарнинг эгаси, у ўз асарини қандай номлашни билади ва бу унинг ҳуқуқи... Бу борада таржимонда ҳам анча имконият бор, фақат унинг ҳуқуқи қисман чекланган. Бу алоҳида тадқиқот мавзуси. Кўриб чиқиладиган асарга келсак, у рус тилига “Жертвенная королева” (“Қурбонлик сизир”) деб таржима қилинган. Ўзбек тилига эса “Қисмат” деб ўгирилиб, таъбир жоиз бўлса, асарнинг қиммати янада ошган, дейиш мумкин. Чунки, асарнинг мазмунидан келиб чиқилса, сарлавҳа таржимаси “узукка кўз қўйгандай” бўлган. Шу билан бирга, таржимон асарнинг асл номи мағзини яхшилаб “чақиб”, китобхоннинг таъби, завқи ва эътиборини ҳам ҳисобга олган ва булар барчаси таржимоннинг юксак салоҳияти ва таржимонлик маҳоратидан далолат беради.

Жаҳон адабиётининг йирик полотноси саналган “Қисмат” романида адиб инглиз мустамлакачилари, раҳмшафқат нима эканлигини билмайдиган заминдор, судхўр ва мазҳаб вакилларининг зулми остида хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолисининг аянчли ҳаётини акс эттирган.

Одатда, бадий асарлар табиат тасвири, воқеа-ҳодиса содир бўлган жой таърифи ёки бирон бир фалсафий фикр

билан бошланади. Аммо, Премчанд асарлари ўзгача. У кўпинча ўз асарини персонажлар орасида оддий, маиший мавзуда кечган диалогдан бошлайди:

Бори рам не دونوں بيلوں کو چارا پانی دے کر اپنی بیوی اس کہا ”گوبر کو دکھ گوڑ نے بھیج دنیا ، میں نجانے کب لوٹوں ۔ ذرا میری لاٹھی دے دنیا“
دھنیا کے دونوں ہاتھ گوبر سے لت پت ہو رہے تھے ، اُپلے ہاتھ کر گئی تھی۔ بولی ارے کچھ سرعت پاتی تو کرلو ، ایسی جلدی کیا ہے ؟“
ہوری نے اپنے جھری پڑے اٹھے کو سکیڑ کر کہا یہ مجھے سربت، پانی کی پڑی
ہے، مجھے یہ پھکر فکر ہے کہ دیر ہوگئی تو مالک سے بھیٹہ انہ ہوگی۔
انسان میان

کرنے لگیں گے تو پہروں بیٹھے بہت جائے گا۔ [1,5]

Ушбу диалогнинг сатр ости таржимаси қуйидагича:
“Жаноб Хўврий иккала молга ем-сув бериб, хотини Дҳанияга қараб деди: – Гўвбарни далага жўнат, шакарқамиш чопсин, мен қачон қайтишимни билмайман. Таёғимни олиб бер. Дҳаниянинг икки қўли таппига беланиб ётганди. Бирор нарса еб-ичиб олинг. Бунчалик шошилиши нега керак, – деди.

Хўврий ажинли юзини тириштириб деди: менинг ғамим еб-ичиш эмас, биринчи фиркрим кеч қолсам қўришолмай қоламан. Ибодат қилишни бошласалар қўп кутиб ўтириш керак бўлади”.

Раҳмонберди Муҳаммаджонов парчани қуйидагича таржима қилган:

Хўврий қўш хўкизни суғориб, ем-хашагини берди-да, хотини Дҳанияга қараб деди: – Гўвбарни далага юбор, бориб шакарқамишни чопсин. Мен, худо билади, шу кетганимча қачон келаман. Қани, таёғимни олиб бер.

Дҳания таппи қилишдан энди бўшаб, ҳали қўлларини ювганча ҳам йўқ эди. – Бундоқ бир нарса еб-ичиб олсангиз-чи. Қаёкка шошасиз! – деди у.

– Сенга ейиш-ичиш бўлса бас, – деди Хўврий, ажин босган пешонасини яна ҳам тириштириб, – Мен нима ғамдаману... Ахир, кеч қолсам, хўжайин билан қўришолмай қоламан, биласан-ку. Тоат-ибодатга тушиб кетганларидан кейин соатлаб сарғайиб ўтирасан киши.

Ўзбекча таржиманинг сатр ости таржима билан қиёсий таҳлили мутаржимнинг аслиятдаги бирон бир сўзни “қурбон қилмасдан” ўгиргани ва диалогни ўзбек китобхонига тушунарли, бадий жиҳатдан ҳам аслиятга мос тарзда бера олганлигини кўрсатади. Ўзбекча таржимада нафақат сўзларнинг муқобил ва эквивалентлари топилиб жой-жойига қўйилган, балки таржима тилининг бадий ифода имкониятлари намоёиш қилинган, дейиш мумкин. Шу ўринда мақолани тайёрлаш, таржималарни таҳлил этиш сирасида бир қатор луғат луғатлардан фойдаланилганини таъкидлаш жоиз [4].

Таъкидлаш жоизки, бадий таржима жараёнида асар бир тилдан бошқа тилга ўгирилишдан ташқари, бир лисоний тафаккур бошқа лисоний тафаккурга айлантирилади. Бунда бадий асарга ҳиссий тус берилиб, бир мураккаб тил тизимидан бошқа бир мураккаб тил тизимига кўчиб ўтади. Таржимоннинг бадий маҳорати аслиятда ёритилган воқеликни илғаб, уни кенг мушоҳада этиш, образлар воситасида қайта акс эттира олиш қобилиятида намоён бўлади. “Сўзлар барча жилолари – асл маъноси билан ҳам, мажозий кўчма маънолари билан ҳам ифодавий образлиги билан ҳам мос, ўринли, табиий бўлсагина, асар хуснига ҳусн қўшиб, мазмунни бўрттириб, таъсирчан қилиб етказа олади” [3,51].

Тадқиқ этиладётган “Қисмат” романи, дарҳақиқат кўчма маъноли сўзлар, турли ўхшатиш, қочирим ва бошқа бадий санъатларга бой. Р.Муҳаммаджонов таржимасига эътибор берилса, унинг халқона ибораларни бадий жиҳатдан қай даражада ишлагани ва бунинг натижасида, сўзлар ўзгача жаранглаб, баъзида мазмунга мос равишда янгича маъно, фразеологик бирлик таркибидаги ифода ўзгариб, жозибадорлик касб этгани, ихчам оддий китобхонга ҳам тушунарли бўладиган бирликлар юзага келганлигини кўриш мумкин. М.:

مہتا آگے بڑھے میں نہیں کہتا کہ عورتوں کو علم کی ضرورت نہیں ہے۔

ہے اور مردوں سے زیادہ میں نہیں کہتا عورتوں کو طاقت کی ضرورت نہیں ہے۔ ہے اور مردوں سے زیادہ۔ لیکن یہ علم نہیں اور وہ طاقت نہیں جس کے مرد نے دنیا کو میدان جنگ بنا ڈالا ہے۔ اگر وہی علم اور وہی طاقت آپ بھی لے لیں گے تو دنیا رنگستان بن جائے گی۔ آپ کا علم اور آپ اقتدار تشدد اور بربادی میں نہیں، پیدائش اور پرورش میں ہے۔ کیا آپ سمجھتی ہیں کہ دونوں سے انسان کو نجات ہوگی یا دفتروں اور عدالتوں میں زبان اور قلم چلانے سے ان ادھار ہو جائے گا؟ ان نقلی غیر قدرتی اور تباہ کن حقوق کے لئے آپ ان حقوق کو چھوڑ دینا چاہتی ہیں جو آپ کو قدرت نے [عطا کئے ہیں؟ “ 1,279]

Ушбу парчанинг сатр ости таржимаси қуйидагича бўлади: *Меҳта давом этди. Мен аёлларга илм олишнинг кераги йўқ демаяпман. Эркаклардан кўпроқ керак. Ва куч қувват керак эмас демаяпман, балки эркаклардан кўпроқ керак. Лекин бу илм ва куч эркаклар дунёни жанг майдонига айлантирган илм ва куч эмас. Агар ўша куч ва илм уларда бўлса, улар дунёни регистон қиладиган бўлиши керак. Сизнинг илмингиз ва иқтидорингдиз дунёни ... ва барбод қилиш учун эмас балки пайдо қилиш ва бино қилиш учундир. Нима сиз ўйлайсизки, овоз бериш билан инсон нажот топадими? Идора ва ишхоналарда қалам юритгандан тепага чиқади-ми? Бу ғайритабiiй ёлғондакам ҳуқуқ учун табиат берган ҳуқуқларни отиб юборасизми?*

Р.Муҳаммаджонов юқоридаги парчани қуйидагича беради: *“Мен, аёлларга илмнинг кераги йўқ, деб айтмоқчи эмасман. Илм керак, эркаклардан кўпроқ керак. Мен, аёлларга куч-қувватнинг кераги йўқ, деб айтмоқчи эмасман. Куч-қувват керак, эркаклардан ҳам кўпроқ керак. Лекин аёлларга керак бўлган илм ва куч-қувват эркаклардаги илм, эркаклардаги куч-қувват эмас. Бу илму куч билан эркаклар бутун дунёни жанг майдонига айлантириб қўйди. Агар шу илм билан куч сизларга ҳам тегадиган бўлса, дунё бир саҳрога айланиб қолади. Зўрлигу бузиб-янчишга зарур бўлган илм ва куч сизларга муносиб эмас. Сизларга муносиби – бола туғишу уни парвариш қилиб ўстириш. Сизларга керак бўлган илм билан куч ҳам шунинг ичиди. Овоз бериш билан*

одам нажот топа оладими? Ёки идораларда ўтириб тил ўйнатиш ва қалам юргизиш билан одам ёруғликка чиқа оладими? Шундай деб ўйласизларми? Мана шу ёлғондакам, ғайри табиий, ҳамма нарсани барбод қиладиган ҳуқуқларни деб сизлар табиатнинг ўзи ато қилиб қўйган ҳуқуқлардан кечиб юбормоқчимисизлар?" [2,239].

Сатр ости таржима билан ўзбекча бадий таржима мазмунан бир-бирига жуда яқин. Бироқ мутаржим аслиятга қанчалик синчковлик билан ёндашгани ва матнни ўзбек китобхонига ғоят тушунарли қилиб берганлиги ва бунда, керакли ўринларда ўзидан ҳам бир-икки сўз қўшиб бўлса-да аслият услубини тўлиқ сақлашга ҳаракат қилгани кўриниб турибди.

“Қисмат” романи қуйидагича тугайди:

ہاں گئو دان کرا دو ، اب یہی ہے بنی « دھنیا مشین کی طرح اٹھی - آج جو سٹلی »
بچی ہو اس کے ہیں آنے پیسے لانی اور بوری کے ٹھنڈے ہاتھ میں رکھ کر سامنے
کھڑے ہوئے - دانا دین سے بولی « مہراج ! گھر میں نہ گاتے ہے ، نہ کچھیا ، نہ پیسہ
- یہی پیسے ہیں۔ اور یہی ان کا گودا ہی ! 16 اور غش کھا کر گر پڑی - [156,1]

Парчанинг сўзма-сўз таржимаси қуйидагича: – *Ҳа, говдан қилдириб юборинг! Ҳозир айни вақти. Дҳания машина каби турди. Бугун арқон сотиб 20 анна олиб келган эди. Ётган ва музлаб қолган қолга қўйиб рўпарасида тик турган Дотадинга деди: Маҳорож! Уйимда на сигир бор, на бузоқ бор на пул бор. Мана шу пулим бор. Шу говданим. ҳушидан кетди ва йиқилди.*

Р.Муҳаммаджонов таржимасида парчани қуйидагича берилган:

– *Ҳа, говдан қилдириб юборинг! Ҳозир айни вақти. Дҳания ҳушсиз ўрнидан турди. Бугун арқон сотиб, йигирма анна олиб келган эди. Ўшани эрининг совуб, муз бўлиб қолган кафтига қўйди-да, қаршисида турган Дотадинга қараб деди: – Маҳорож! Уйимда на сигир бор, на бузоқ бор, на пул. Бор-ўйғум мана шу. Бу кишига қилдирадиган говданим шу.*

Шундай деди-ю, ҳушидан кетиб, йиқилди.

Таржимон ижодий иш жараёнида ўзбек тилининг бой фразеологик ва паремиологик заҳираси, зангин бадий санъатларидан таржиманинг бадий савиясини ошириш, қаҳрамонларнинг ички дунёсини маҳорат билан очиб бериш мақсадида самарали фойдаланган. У таржимада муаллиф услубини имкон қадар сақлаш билан бир қаторда асарга хос оҳанг, маромга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Хулоса. Ҳинд ва урду тилларида асарлар яратган адиб Премчанд қаламига мансуб, “Қисмат” романи бундан 63 йил муқаддам она тилимизга моҳирона таржима қилинган ва ўшандан бери ҳинд халқларининг ҳаёти, маиший турмуши, маданиятини ўрганишга хизмат қилиб келмоқда. Ушбу асар ва унинг таржимаси билан боғлиқ масалаларни мўъжаз бир мақола доирасига сиғдириш имконсиз. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақола асар таржимаси устида амалга оширилажак бир монографик тадқиқотнинг дебочаси сифатида қабул қилинмоғи керак. Бу билан машҳур романни истеъдодли ўзбек таржимони Раҳмонберди Муҳаммаджонов таржимаси билан бирга олиб илмий текшириш истиқболда режалаштирилган таржимашунослик тадқиқотларининг асосини ташкил этади, деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] – پریم چند۔ گنودان۔ آرمی پریس) دہلی 651 ص –
- [2] – Прем Чанд. Қисмат. Роман (урду тилидан Р.Муҳаммаджонов таржимаси). – Тошкент: Узадабийнашр, 1962. – 542 б.
- [3] – Саломов Ғ., Комилов Н. “Дўстлик кўприклари”. – Тошкент: 1979.
- [4] – O'zbek tilining izohli lug'ati: 80000 dan ortiq so'z va so'z birkmasi. J.III. N-Tartibli/Tahrir hay'ati: T.Mirzayev (rahbar) va b.; O'zR FA Til va adabiyot in-ti. – Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006; Мадвалиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. – Тошкент, Akademnashr, 2013; Халмирзаев Т. Урду-русский словарь – Пакистан: Муктадира Кауми Забан, 2012. – 767 с.; Kholmiraev T. Urduha-o'zbekcha lug'at – Pokiston: Muqtadira Qaumi Zaban, 2003. – 389 b.; فیروز اللغات . جدید ترتیب اور اضافوں کے ساتھ۔ ۴۴۱ ص۔

MUNDARIJA

ADABIYOT NAZARIYASI VA ADABIY ALOQALAR

Султонмурод Олим. Серистеъдодлилик	4
Баҳодир Карим. Диний-тасаввуфий таҳлил методи ...	18
Иброҳим Худоёр. Ваҳйи дил дар мероси андешагони ориф Меҳнавий Абусаид Абулхайр	27
Ахлоқ Аҳмад Оҳан. Вежагиҳои шеърӣ форсӣ ва шеърӣ Бедил.....	33
Salidə Şərifova. Xəlil Yusiflinin elmi tədqiqatlarında Şərq intibahı	40
Abdugʻopir Qosimov, Oybek Xolmatov. Erix Mariya Remark va Oʻtkir Hoshimov romanlarida askar ruhiyati talqini	60
Мавҷуда Ўрунова. Санъати муодила дар ғазалиёти Соиб.....	66
Адҳамбек Алимбеков. Озарбайжоннинг биринчи шоираси – Маҳсатий Ганжавий	77
Ўктамали Сатторов. Адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик	88
Рустам Умурзаков. Бола образининг назарий муаммолари	97

O'ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI MASALALARI

Илёс Исмоилов. Тўрт муножот шарҳи	107
Мутабар Шарипова. Особенности суфийской прозы и проза Ходжа Абдаллаха Ансари	113
Farida Karimova. Xusrav Dehlaviyning “Vasat ul-hayot” devoni debochasida badiiy ijod masalalari	124
Орзигул Ҳамроева. Ҳомидий Балхий “Юсуф ва Зулайхо” достонининг қўлёзма нусхалари	132
Мавлонберди Суюнов. Матла ва унинг ғазалдаги ўрни.....	141

Zebuniso Amirkulova. Reflection of the national heroic movement in the image of the historical image “Nur kurbashi” ...	303
Havasxon Salixodjayeva, Tanzila Zokirova. Asqad Muxtor she’r-larida qo’llangan frazeologizmlarning lingvostilistikasi.....	310
Xurshida Nishonova. Poetik obraz nazariyasining evolyut-siyasi	316
Дилноза Умарова. Қайта қуриш даври матбуотида полемика	329
Tursunoy Yo’ldoshyeva, Usmon Azim she’riyatida sog’inch-ning badiiy talqini	337
Ma’muraxon Madaminova. Shavkat Rahmon she’riyatidagi peyz lirikasining poetik tahlili	342
Турсуной Шарипова. Parodiya intertekstual matn sifatida	349
Sevinch Omonova. “Xamsa” dan taralgan yog’du	354

TARJIMASHUNOSLIK MUAMMOLARI

Қосимжон Содиқов. “Сюань-Цзан кечмиши” асари қадим-ги турк таржима адабиётининг ёдгорлиги сифатида ...	366
Rustam Sharipov. Cho’lpon tarjimalari haqida ayrim mulo-hazalar	376
Хайрулла Ҳамидов, Азиза Мавлонова. Премчанднинг “Қисмат” романи ўзбек тилида	382
Бахтиёр Файзуллоев. Лоиқ шеърларининг ўзбекча таржималарини ўрганишга доир	390
Мухлиса Шарахметова. «Бобурнома»нинг урдуча таржи-масида таржима трансформацияларнинг қўлланиши ..	401
Хайрулла Ҳамидов, Гулнигорхон Мўйдинова. Вьетнам тилидаги ҳайвонлар номи асосида юзага келган мақол ва идиомалар хусусида	410
Iroda Fatxutdinova. Tarjimada semantik ekvivalentlik va madaniy konversiya masalasi.....	418
Kamola Yuldasheva. Sinxron tarjima jarayonidagi samarali psixo-fiziologik strategiyalar	423

FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI

MUHARRIR: A. MUXTOROV
TEXNIK MUHARRIR: O. MUXTOROV
SAHIFALOVCHI DIZAYNER: D. AKRAMOV



Nashriyot litsenziyasi: 5209

Bosishga ruxsat etildi 31.10.2025.
Bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$. Ofset qog'oz. Ofset bosma
usulda bosildi. "Cambria" garniturasida.
Shartli bosma taboq 41. Adadi 150 nusxa.

Original maket «Tafakkur» nashriyotida tayyorlandi.
Manzil: Toshkent viloyati, Toshkent tumani, Bunyodkor MFY,
Ko'l 17-tor ko'cha, 9-uy. Tel: 71 2447588.
Email: tafakkurmaktub@mail.ru

«Fan va ta'lim» nashriyoti bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Navoiy
ko'chasi, 30-uy. Websayt: fanvatalim.uz
Email: info@fanvatalim.uz **Tel:** +998 94 6644003.
📞@FANVATALIMGA